

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

409 **Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек ушбу хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат солиқ хизмати органлари автоматотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолияти юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулқи хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 5 апрелдаги 63-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 15-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 31 июль,
213-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарорига
ИЛОВА

**Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча
сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом юридик шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари деганда ушбу Низомда автоматотранспорт воситаларини сақлаш жойларини автоматотранспорт воситаларининг аниқ эгаларига (уларнинг вакилларига) бириктирган ёки бириктирмаган ҳолда автоматотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш бўйича пуллик асосда кўрсатиладиган хизматлар тушунилади.

3. Ушбу Низом:

фуқароларнинг автоматотранспорт воситаларини сақлаш учун автоматотранспорт воситалари эгаларига туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига мувофиқ берилган улар яшайдиган жойлар яқинидаги ер участкаларида уларнинг маблағлари ҳисобига қурилган якка тартибдаги гаражларга — иншоотларга;

ташкilotларга берилган, автоматотранспорт воситалари сақланганлиги учун тўлов ундирилмайдиган ер участкаларида жойлашган автоматотранспорт воситаларини сақлаш жойларига;

конун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган автоматотранспорт воситаларининг тўхташ жойларига татбиқ этилмайди.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автомобиллар тўхташ жойи — автоматотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган бино, иншоот (бино, иншоотнинг бир қисми) ёки махсус очиқ майдон;

ёпиқ турдаги автомобиллар тўхташ жойи — ташқи девор билан тўсилган ер устидаги автомобиллар тўхташ жойи, шунингдек ер остидаги ҳамда атрофи ўралган — ярми ер остида, ярми ер устида жойлашган автомобиллар тўхташ жойи;

очиқ турдаги автомобиллар тўхташ жойи — ташқи девор билан тўсилмаган ер устидаги автомобиллар тўхташ жойи, шунингдек очиқ иншоот, ҳеч бўлмаганда, икки қарама-қарши томоннинг анча жойи очиқ бўлган иншоот.

**II. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари
кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этиш ва
амалга ошириш**

5. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари автомобиллар тўхташ жойларида фақат юридик шахслар томонидан кўрсатилади.

6. Ер участкаларини бериш масалалари бўйича қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокими томонидан қабул қилинади.

7. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарорларида берилаётган ер участкасининг контури аниқ белгиланган, тегишли режа-картография материаллари илова қилинган ҳолда автоматотранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун берилаётган ер участкаси майдони кўрсатилади.

8. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун ер участкалари беришда туман (шаҳар) ҳокимининг қарорларида ер участкаларининг автоматотранспорт воситаларини сақлаш хизматларини ташкил этиш учун аниқ мақсадни кўзлаб берилиши кўрсатилади.

9. Автомототранспорт воситаларини доимий ёки вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш учун ер участкаларини ижарага (субижарага) беришга йўл қўйилмайди.

10. Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

қаттиқ қоплама, ёритиш, ахлатни тўплаш учун контейнерлар, ёнғинга қарши воситалар, қаттиқ шатаклар ва шатакка олувчи тросслар мавжудлиги; йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларини таъминлайдиган ҳудудга кириш ва ундан чиқиш учун махсус ажратилган жойларнинг мавжудлиги;

ҳудуд тўсилган бўлиши ёхуд кириш (чиқиш) учун махсус ажратилган жойни айланиб ўтиб ҳудудга эркин кириш (ундан чиқиш) имконини бермайдиган бошқа тўсиқларга эга бўлиши;

автомототранспорт воситаларининг эркин кириши (чиқиши)ни истисно этувчи шлагбаум (ёки бошқа қурилма) мавжудлиги;

агар бир неча қаторларда автоматотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш имконияти мавжуд бўлса, ҳудуд ичида автоматотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун ажратилган полосалар мавжудлиги;

кириш (чиқиш) учун ажратилган жойда назоратчи-кассирнинг хонаси (будкаси) бўлиши керак, унинг ташқи томонига кўринарли жойда автоматотранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш тарифлари ва шартлари йирик ҳарфларда ёзилган (ҳарфларнинг йириклиги камида 3 см бўлган) ёзув жойлаштирилади;

автомототранспорт воситаларини жойлаштириш тегишли схемасининг мавжудлиги;

автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахс, иш режими, телефон рақами кўрсатилган «Пулли автомобиллар тўхташ жойи» лавҳаси мавжудлиги;

ногиронларнинг автомобилотранспорт воситалари учун махсус жихозланган камида иккита жой мавжудлиги.

11. Автомобиль тўхташ жойлари худудларида қўйидагилар тақиқланади: автомобиль тўхташ жойларини қуриш бўйича лойиҳада назарда тутилмаган вақтинчалик ва капитал иншоотларни барпо этиш ва ўрнатиш; автомобилотранспорт воситасини таъмирлаш, ювиш, унга ёнилғи-мойлаш материаллари қўйиш, бунинг учун махсус ажратилган жойдан ташқари; двигатель ва агрегатлар учун очиқ ҳолдаги оловдан фойдаланиш; автомобилотранспорт воситасини соатига 5 км дан ортиқ тезликда бошқариш;

тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш;

ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун жойлар барпо этиш;

автомототранспорт воситаларини чорпояларга, тагликларга ва шу кабиларга қўйиш.

12. Мижоз учун қулай бўлган кириб келиш жойида қўйидагилар осиб қўйилиши керак:

автомототранспорт воситаларини сақлаш қоидалари;

ёнғин хавфсизлиги талаблари;

автомототранспорт воситаларини қабул қилиб олиш ва сақлаш учун масъул шахсларнинг вазифалари;

кўрсатиладиган хизматлар учун амалдаги тарифлар;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

13. Автомототранспорт воситасини доимий сақлаш учун расмийлаштириш ёзма шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади, унда бириктирилган жой кўрсатилади.

14. Автомототранспорт воситасини автомобиль тўхташ жойига қабул қилиб олиш ва уни автомобиль тўхташ жойидан чиқариб кетиш фақат навбатчи ходим иштирокида амалга оширилади.

15. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлишлари керак.

Ҳудудда, шу жумладан 300 та ва ундан кўп турғун савдо шохобчаларига ва савдо ўринларига эга бўлган ёндош бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида автомобилотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатилган тақдирда автотранспорт воситаларининг кириб келиш ва чиқиб кетиш вақтини қайд қилиш функцияларини бажарадиган электрон ҳисоблагичлар мажбурий тартибда ўрнатилади.

16. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов автомобилотранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизмат-

лар кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланадиган тарифлар, лекин халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгаши томонидан хизматларнинг ушбу тури учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдоридан юқори бўлмаган тарифлар бўйича амалга оширилади.

17. Автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб автоматотранспорт воситасининг автомобиль тўхташ жойи ҳудудига кириб келган вақти кўрсатилган талон асосида, фискал хотирали назорат-касса машинаси ёки пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали чекини берган ҳолда ҳудуддан чиқиб кетишда амалга оширилади.

Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш учун тўлов ушбу Низомнинг 13-банди талабларига риоя этган ҳолда тузилган ёзма шартномалар асосида амалга оширилади.

18. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов нақд ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ҳам, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилади. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича нақд ҳисоб-китоб қилиш йўли билан хизматлар кўрсатишдан тушум инкассация қилинади.

19. Ёқилғи ёки мой, суюқ ва суюлтирилган газ сизиб турган, шунингдек салони ёки багажнигида тез ёнувчи, портлаш хавфи бўлган, радиоактив ёки захарли моддалар бўлган, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида техник жиҳатдан шикастланган автоматотранспорт воситалари доимий ва вақтинча сақлашга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг тегишли маълумотномасисиз қабул қилинмайди.

Энг юқори вазни 3,5 тоннадан ортиқни ташкил қиладиган ва ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари, ўтириш жойлари сони саккизтадан ортиқ бўлган автоматотранспорт воситалари ҳам доимий ва вақтинча сақлаш учун автомобиль тўхташ жойларида сақлашга қабул қилинмайди, ушбу автоматотранспорт воситалари учун назарда тутилган махсус автомобиль тўхташ жойлари бундан мустасно.

III. Автомототранспорт воситаларини уй-жой мавзеларида доимий сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш хусусиятлари

20. Уйлар ёнидаги ҳудудда, ушбу ҳудудларнинг ободонлаштириш элементлари билан таъминланганлик норматив талабларига риоя этилганда, шунингдек уй-жойларнинг деразаларидан норматив бўйича узоқликка қатъий риоя қилинганда автоматотранспорт воситаларини доимий сақлаш учун ёпик турдаги ва очик турдаги автомобиль тўхташ жойларини жойлаштиришга рухсат этилади.

21. Автомототранспорт воситалари эгаларининг яқка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобиль воситаларини доимий

сақлаш бўйича уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобиль тўхташ жойида доимий равишда бепул биркитилган жой берилади.

Автомототранспорт воситаларининг эгаларига доимий биркитилган вақтинча сақлаш жойларида автоматотранспорт воситаси эгасининг уй манзили ва автоматотранспорт воситасининг давлат тартиб рақами ёзилган табличка ўрнатилган бўлиши керак.

22. Турар жой мавзеларидаги автоматотранспорт воситаларини доимий сақлаш жойларидаги бўш ётган ёхуд вақтинчалик фойдаланилмаётган (банд бўлмаган) жойларда, ушбу жойлар биркитилган автоматотранспорт воситалари эгалари билан келишган ҳолда, фискал хотирали назорат-касса машинасидан ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисобкитоб терминалидан мажбурий равишда фойдаланилган тақдирда автоматотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга йўл қўйилади.

IV. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлар кўрсатувчи юридик шахсларга солиқ солиш хусусиятлари

23. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар автоматотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда аниқ белгилаб қўйилган солиқ ва йиғим тўлайдилар.

24. Ушбу Низом 23-бандининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёхуд умумий белгиланган солиқлар тўлайдиган автоматотранспорт воситаларини доимий сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

25. Автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим миқдори халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгаши томонидан белгиланади ва у чекланган ставкалардан ортиқ бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан паст бўлиши мумкин эмас.

26. Автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича фаолият билан бирга фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг ушбу турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда тегишли солиқлар тўлаши ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт.

V. Автомобиль тўхташ жойларидаги хавфсизлик талаблари

27. Навбатчи ходим ишга қабул қилинаётганда автоматотранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахс раҳбари

томонидан ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича йўриқнома билан таништирилиши керак. Навбатчи ходим ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини билиши ва уларга эга бўлиши керак.

28. Автомототранспорт воситаларини сақлашга топшираётган автоматотранспорт воситалари эгалари ёнғин хавфсизлиги роя этишлари керак.

29. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига роя этилиши, автоматотранспорт воситаларининг сақланиши, шу жумладан уларни доимий ва вақтинча сақлаш вақтида, яъни улар эгаларига (ёки уларнинг вакилларига) қайтарилгунгача ёхуд улар мажбурий равишда махсус автомобиль тўхташ жойига эвакуация қилингунгача рўй берган автомобиль воситаларининг олиб қочиш кетилиши, ўғирланиши, қисмларга ажратилиши ва шикастланиши учун жавоб берадилар.

30. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсга зарар етказилган тақдирда автоматотранспорт воситасининг эгаси (ёхуд унинг вакили) етказилган зарар учун жавоб беради.

VI. Яқунловчи қоидалар

31. Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар:

автомототранспорт воситаларининг табиий офатлар (зилзила, довуллар, сув тошқини ва бошқалар) вақтида шикастланганлиги учун;

автомототранспорт воситалари уларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган ҳудуддан чиқиб кетгандан кейин автоматотранспорт воситаларининг сақланишига тааллуқли билдирилган эътирозлар учун жавоб бермайдилар.

32. Туман (шаҳар) ҳокимининг кўрсатиб ўтилган мақсад учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорисиз юридик шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш рухсат берувчи ҳужжатларсиз фаолият турларини амалга оширишга тенглаштирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўллашга сабаб бўлади.

33. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.